

## БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада хизматлар соҳасида бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлари, уларнинг афзалликлари, камчиликлари ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Бухгалтерия хизматлари, кичик бизнес субъектлари, аутсорсинг хизматлари, афзалликлар, камчиликлар, микро ва макро корхоналар.

Rafeev D.R., i.f.n.associate professor SamISI

## NEEDS AND PROSPECTS OF ENTITIES PROVIDING ACCOUNTING SERVICES

**Annotation:** The article examines entities providing accounting services in the service sector, their advantages, disadvantages, and development prospects.

**Keywords:** Accounting services, small business entities, outsourcing services, advantages, disadvantages, micro and macro enterprises.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ўзгаришлар бухгалтерия ҳисобини ҳам такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бухгалтерия шундай соҳаки, унда қатор конфиденциал ва жуда муҳим корпоратив маълумотлар сақланади. Ҳар қандай пухта ўйланмаган ҳаракат, ҳатто кичик хато ва камчиликлар ҳам ишга малакасиз ёндашув, ҳисоб-китоблар ноаниқлиги ва ҳатто қатта жарималарга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ўз соҳасининг устаси бўлган бухгалтерларга талаб юқори. Айнан шундайлар бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблашади. Ўйриқ корхоналар штатида юқоридаги талабларга жавоб берадиган, ўз навбатида, юқори маош талаб қиладиган бухгалтерлар ёллаш имкони бор. Бироқ янги ташкил топган, микро ва кичик корхоналар бундай харажатларга тайёр эмас. Ёлланма бухгалтерлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, оғзаки келишув асосида хизмат кўрсатиши туфайли кўплаб муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатимизда кўплаб янги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса бухгалтерларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келади. Мамлакатимизда малакали бухгалтерларнинг камлиги ҳамда кичик корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби бўлимини ташкил этишга эҳтиёжнинг

йўқлиги бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хизматлари соҳасида охириги йилларда юқори кўрсаткичли ривожланиш кузатилмоқда. Агар бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи корхоналар сони 2019 йилда Республикамиз бўйича жами 923 ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 октябрь ҳолатига келиб ушбу кўрсаткич 1519 тани ташкил этган.

Бу, ўз навбатида, хизматлар соҳаси хизматларини кўрсатувчи корхоналарни мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамият касб этишини, шунингдек уларни бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектларидан бири эканлигини билдиради.

Корхона бир неча фаолият тури билан шуғулланадиган бўлса, ҳар бир фаолият учун алоҳида малакали бухгалтер ёллаш, уларни ойлик маош, иш жойи, дастурий таъминот ва ҳ.к.лар билан таъминлаш катта харажатларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда аутсорсинг хизмати кенг тарқалмоқда. “Аутсорсинг” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, шартнома асосида ташқи манбалардан, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхоналар хизматидан фойдаланишни билдиради.

Аутсорсинг бухгалтерия эса масофадан туриб малакали соҳа мутахассислари томонидан олиб бориладиган бухгалтериядир. Аутсорсинг бухгалтерия ёлланма бухгалтериядан фарқли равишда, бухгалтерияни қисман ёки вақтинчалик топшириш эмас, узок муддатга шартнома асосида ҳамкорлик қилишни кўзда тутди. Аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчилар аутсорсерлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда хорижда штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан ва айниқса, аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда - 30%, Европада - 86%, АҚШда - 92%, энг юқори кўрсаткич эса - Исроилда бўлиб, 96% ни ташкил этади.

Йирик корхоналар Аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан фойдаланишга бутунлай ўтишлари у қадар самарали эмас, чунки бундай ҳолатда масофадан туриб иш олиб борилгани сабабли ҳисобни олиб боришда оперативлик пасайиш эҳтимоли бор. Бунга йўл қўймаслик учун бухгалтерияни бутунлай эмас, қисман, масалан, ойлик маош ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар топшириш, ва ҳ.к.ларни аутсорсерларга топшириш мумкин.

Бу мақсад ва вазифа 2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараккиёт стратегиясининг “2022-2026 йилларда вилоят марказларида ахборот коммуникация-технологияларини қўллаш орқали масофавий хизматларни кўрсатиш (IT- аутсорсинг) марказларини ташкил этиш”да белгиланган (25 мақсад, 102 вазифа)

Микро ва кичик корхоналар учун аутсорсинг бухгалтерия хизматлари ҳисобни юритишнинг энг оптимал усулидир. Бундай ҳолатда корхона юқори малакали, масъулиятли, фақатгина бухгалтерия соҳасида эмас, балки кадрлар бўйича, юридик ҳамда солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар олиш имконига эга бўлади.

**Аутсорсинг хизматларининг афзалликлари ва камчиликлари қуйидагилардан иборат.:**

<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
Йирик корхоналарга харажатларни тежаш имконини беради	Бухгалтерияни юритаётган мутахассисни кўрмайсиз
Иш ҳақи билан боғлиқ солиқларни тўлаш керак эмас	Аутсорсингдаги ходимдан кўра штатдагиси ишончлироқ туюлади
Иш жойини жиҳозлашга ҳожат қолмайди	Айрим масалаларни ҳал қилишга кўпроқ вақт кетиши мумкин
Аутсорсинг компанияларида, одатда, юқори малакали мутахассислар ишлайди	Штатдаги бухгалтер параллель равишда бошқа ишни ҳам бажариши мумкин
Аутсорсинг компанияси билан доим алоқа боғлаш мумкин	Аутсорсинг компанияларининг стандарт ёндашуви
Аутсорсинг компанияси ўз мутахассисларининг хатолари учун жавоб беради	Солиққа оид таваккалчиликларни баҳолай олмаслик эҳтимоли мавжуд
Кадрларнинг кетиб қолишидан хавфсирамайсиз	Прогнозлашнинг мушкуллиги

**Аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчи корхона билан ҳамкорлик қилиш тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратади:**

- Аутсорсерларга топширилган вазифалар юқори сифатли, оператив ва кам харажат талаб этади, чунки тадбиркорлар аутсорсерлар уларнинг штатида бўлмагани сабабли уларга ойлик маошдан келиб чиқадиган солиқлар, офис жиҳозлари, моддий-техник таъминот, аренда, алоқа ва интернет каби харажатлардан фориғ бўлишади. Бу харажатларни оптималлаштириш орқали молиявий натижаларни 20-30%га яхшилаш имконини беради.

- Аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан фойдаланганда махфий (конфидециал) маълумотларнинг ошкор бўлиши олди олинади;  
- Хизматдан фойдаланиш орқали бир эмас, бир неча юқори малакали ҳисобчи мутахассис гуруҳига эга бўлиш мумкин;

- Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги хато ва камчиликлардан, ортиқча оворагарчиликлардан озод қилади;

- Аутсорсерлар бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритишдан ташқари бошқа қўшимча хизматларни, масалан, кадрлар буйича ва юридик хизматларни ҳам таклиф этади. Таъкидлаш жоизки, штатдаги бухгалтерлар ҳар доим ҳам бундай қўшимча масаларларни ҳал этишни ўз зиммаларига олаверишмайди, қўшимча мутахассисларни ёллаш эса корхона харажатларини оширади;

- Аутсорсинг корхоналарга бухгалтерияни исталган босқичда топшириш имконияти мавжуд. Агар корхона бухгалтерияси хато ва камчиликлар билан махсус дастурлардан фойдаланилмай юритилган булса, аутсорсинг бухгалтерия корхоналари бундай талабга жавоб бермайдиган бухгалтерияни қайта тиклаш орқали тўғри ва аниқ ҳолатга олиб келади.

Санаб ўтилган барча афзалликлар ва камчиликлар исталган аутсорсинг компаниясига ва ҳар қандай штатдаги бухгалтерга хос деб бўлмайди, албатта. Ҳар бир вазият – ўзига хос. Шу сабабли қарор қабул қилишдан олдин унинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини мустақил равишда баҳолаб, ҳар бир ҳисоб юритиш усули қанча сарф-харажат талаб этишини ҳисоблаб, айнан бизнес учун қай бири фойдалироқ эканини чамалаб кўриб, қарор қабул қилиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аутсорсинг нима? <https://kun.uz/13375754>
2. Моисеева Н.К. Аутсорсинг в развитии делового партнества.-М.: Фынанысы и статистика.2014,-240 с.
- 3.«Бухгалтери ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республткаси Қонуни 2016 йил 13 апрел.
4. 2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараккиёт стратегияси.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республткаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.